



Намозда биринчи саф, сафларни тўғрилаш ва жамоат фазилатлари

Ҳазрат Абу Хурайра розияллоху анхундан ривоят қилинади. Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам бундай дедилар: **“Эркаклар сафининг энг яхшиси – биринчиси ва энг ёмони охиргисидир...”**

Бу бобда Жобир, Ибн Аббос, Ибн Умар, Абу Саид, Убай, Ойша (онамиз), Ирбоз ибн Сория ва Анас розияллоху анхундан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Исо деди: “Абу Хурайра-нинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ”.

Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламнинг биринчи саф учун уч марта ва иккинчи саф учун бир марта истиффор айтганлари ривоят қилинган.

Набий соллаллоху алайҳи ва саллам бундай дедилар: **“Инсонлар азон айтмоқликда ва биринчи сафда туриб намоз ўқимоқликда қанчалик фазилат борлигини билсалар эди, қуръадан бошқа чора топа олмасалар, ҳеч йўқса, қуръа ташлаб бўлса ҳам, бунга эришган бўлар эдилар”**.

Исҳоқ ибн Мусо Ансорий бу ҳадисни бизга Маъндан, Моликдан, Сумайдан, Абу Солиҳдан, Абу Хурайра розияллоху анхундан, Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламдан шу тарзда баён қилдилар.

Изоҳ. Яъни, азонни ким айтади деб ва биринчи сафда ким туради деб қуръа ташлаб аниқлаган бўлардилар.

Нўмон ибн Башир розияллоху анхундан ривоят қилинди: «Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам сафларимизни тўғрилари эдилар.

Бир куни, кўкси қавмдан ташқарига чиқиб турган бир кишини кўрдилар ва: **“Ё сафларингизни тўғрилангизлар ёки бўлмаса Аллоҳ юзларингизни (қалбларингизни) бир-бирига муҳолиф қилиб қўяди”**, дедилар»¹

Бу бобда Жобир ибн Самура, Баро, Жобир ибн Абдуллох, Анас, Абу Хурайра ва Ойша (онамиз)



розияллоху анхундан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Исо деди: Нўмон ибн Баширнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Шунингдек, Расули акрам соллаллоху алайҳи ва салламдан бундай деганлари ҳам ривоят қилинади: **“Сафни тўғрилаш намознинг мукамаллигидандир** (яъни, намознинг мукамал бўлиши шартларидандир)”.

Умар розияллоху анхундан бундай ривоят қилинади: “У зот (ҳазрат Умар) баъзи кишиларни сафларни тўғрилашга маъмур қилиб қўяр эдилар ва сафлар тузатилгани ҳақида хабар олмагунарича намозни бошламас эдилар”.

Ҳазрат Али ва ҳазрат Усмон розияллоху анхундан ҳам бундай деб ривоят қилинган: «(Улар) сафларни тўғриламоқни шахсан ўз зиммаларига олган эдилар ва: “Сафларни тўғрилангизлар!”» дер эдилар.

Ҳазрат Али розияллоху анхун: “Эй фалончи, олдинга ўт! Эй фалончи, орқароқ тур!” дер эдилар. (Сафни текислаш намозхонларнинг тенгма-тенг туриши билан бўлади. Бунинг учун елкалар елкаларнинг, тўпиклар тўпикларнинг рўпарасида туриши керак. Тўпик эътиборга олинишининг сабаби тананинг ҳолати унга таянишидир).

Ҳазрат Анас ибн Молик розияллоху анхундан ривоят қилинди. Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам бундай дедилар: **“Кимки қирқ кун Аллоҳ розилиги учун жамоат билан намоз ўқиса, (ҳар намозда) биринчи такбирга улгурса, унга икки бароат** (ёрлиқ) **ёзилгайдир:**

жаҳаннамдан қутулиш бароати ва нифоқдан қутулиш бароати!”

Абу Исо деди: Бу ҳадис Анасдан мавқуф тарзда ривоят қилинган. Салм ибн Қутайбанинг Туъма ибн Амрдан, Ҳабиб ибн Абу Собитдан, Анасдан қилган ривоятида бошқа бу ҳадисни Набий соллаллоху алайҳи ва салламгача юксалтирган бирон кишини танимаймиз.

Бу ҳадис Ҳабиб ибн Абу Ҳабиб Бажалий тарқи билан Анас ибн Моликдан унинг ўз сўзи сифатида ривоят қилинди.

Ҳаннод ушбуни бизга баён этди: Вакиъ Холид ибн Таҳмондан, Ҳабиб ибн Абу Ҳабиб Бажилийдан, Анасдан айтиш ҳадисни нақл этган, лекин уни пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва салламгача юксалтирмаган.

Исмоил ибн Аййош бу ҳадисни Умора ибн Ҳазийядан, Анас ибн Моликдан, Умар ибн Хаттоб розияллоху анхундан, Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилган. Бу ҳадис маҳфуз (рожиҳ) эмас, мурсал. Чунки Умора ибн Ҳазийя Анас ибн Моликка йўлиқмаган.

Муҳаммад ибн Исмоил (Бухорий) айтади: «Ҳабиб ибн Абу Ҳабиб “Абдул Қашусо” деган куняси билан аталади ва у “Абу Умайра” ҳам дейилади».

“Сунани Термизий”дан олинди.
Таржима ва изоҳлар муаллифи
Мирзо КЕНЖАБЕК

¹ Яъни, ичларингизга душманлик ва ғараз оралайди.

Сийрат

Мажлиси мубораклари

Али розияллоху анхун айтади: «Жаноб Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам ўз мажлисларига ҳозир бўлганлардан ҳеч бир нарсани аямас эдилар. Диний ва дунёвий манфаатларни улардан дариғ тутмасдилар. Жанобнинг одати карималаридан бири шу эдики, келувчилардан аҳли илм ва аҳли амалларни киришга ижозат беришда бошқаларга таржиҳ (устунлик) берар эдилар. Ҳамда вақт беришда уларнинг дини фазлу шарафларига мувофиқ тақсим қилар эдилар. Келувчиларнинг баъзиларида биргина, баъзиларида икки, баъзиларида бир неча ҳожати бўлар эди. Жаноб ҳаммаларининг ҳожатларини раво қилар, уларни ҳам ўзларига, ҳам умматга манфаати бўладиган ишларга машғул қилар эдилар. Жумладан, диний муҳим ишлар бўлса, Жанобдан савол қилардилар ва Жаноб уларга муносиб бўлган ишларни билдирардилар. Дердиларки: **“Сизлардан бу мажлисда ҳозир бўлган зотлар ҳозир бўлмаганларга бу ерда бўлиб ўтган фойдали сўзларни етказсинлар. Ҳожатини менга етказмаганларнинг ҳожатларини сизлар менга етказинлар. Чунки ким подшоҳга ўзи уни етказмаётган бир одамнинг ҳожатини етказса, Аллоҳ таоло қиёмат кун у одамни собитқадам қилади. Шунинг учун сизлар ҳамиша хайрли иш учун восита бўлинглар”**.

Жаноб Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам ҳузурларида бундан бошқа сўзлар айтилмас эди. Мажлисда фойдаси ва манфаати бўлмаган сўзни ҳеч кимдан қабул қилмас эдилар. Саҳобалар қачон мажлиси Набавийда қатнашсалар, диний ишларининг ислоҳига толиб бўлиб кирар, то бирор манфаат ҳосил қилмагунча чиқиб кетмас эдилар. Мажлиси муборакдан чиққанлар халқ учун раҳнамо ва уларни хайрли ишларга далолат этувчи бўлиб чиқар эдилар».

“Шамоили Муҳаммадия” асаридан

✓ 29 октябрь. Тошкент ислом институтида Имом Таҳовийнинг “Шарҳи маъонил осор” китобини хатм қилган қизларга ижоза шаҳодатномалари берилди.

✓ 29 октябрь. Тошкент ислом институти доценти Нозима Ибрагимованинг “Экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маъ-

рифий асослари” ўқув қўлланмаси нашрдан чиқди.

✓ 30 октябрь. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

Шайх Нуриддин Холиқназар “Орфан касалликлари ташхиси ва даволаш” мавзусидаги халқаро анжуманда нутқ сўзлади.

“Яхши ҳаёт кечиртирамиз...”

«Аллоҳнинг аҳдини оз баҳога сотиб юборманг. Агар билсангиз, сиз учун, албатта, Аллоҳнинг ҳузуридаги нарса яхшироқдир. Сизнинг ҳузурингиздаги нарса тугайди, Аллоҳнинг ҳузуридаги нарса эса, боқийдир. Албатта, Биз сабр этганларни қилиб юрган амалларининг энг гўзалига бериладиган ажр ила мукофотлармиз. Эрқагу аёл, ким мўмин ҳолида яхши амал қилса, Биз унга яхши ҳаёт кечиртирамиз ва албатта, уларни қилиб юрган амалларининг энг гўзалига бериладиган ажр ила мукофотлармиз» (Наҳл сураси, 95–97-оятлар).

“Аллоҳнинг аҳдини оз баҳога сотиб юборманг. Агар билсангиз, сиз учун, албатта, Аллоҳнинг ҳузуридаги нарса яхшироқдир”. Яъни, дунё матоҳи ва зийнати деб Алоҳга берган аҳдингизни бузманг. Гарчи у қаршингизда кўзингизни қувнатиб, сиз учун фойдали, яхшироқ кўринаётган бўлса-да, аслида қадр-қиймати жуда паст, арзимасдир. Аллоҳнинг аҳди – Ислом эса, гарчи сизга моддий жиҳатдан манфаатсиздек кўринса-да, унинг эвазига бериладиган Аллоҳнинг ҳузуридаги нарса – ажр-савоб, неъматларнинг қадр-қиймати жуда баланд, арзирлидир.

“Сизнинг ҳузурингиздаги нарса тугайди, Аллоҳнинг ҳузуридаги нарса эса, боқийдир”. Яъни, сизлар рағбат қилаётган ва ғамлаётган дунё неъматлари фоний, Аллоҳнинг ҳузуридаги раҳмат хазиналари, жаннат неъматлари эса боқийдир. Соғлом ақл боқий неъматни фоний неъматдан устун қўяди. Шундай экан, Аллоҳга иймон келтирган оқил мўмин икки нарсани ўзига лозим тутди: иймонида

собит туриш ва шариат ҳукмларига амал қилиш. Чунки у Аллоҳнинг ҳузуридаги боқий неъматлардан умидвор.

“Албатта, Биз сабр этганларни қилиб юрган амалларининг энг гўзалига бериладиган ажр ила мукофотлармиз”. Яъни, йўқотишларга, азиятларга ва шариат таклифларидаги машаққатларга сабр-тоқат қилиб, иймонида собит турган мўминларга энг гўзал мукофот берилади.

“Эрқагу аёл, ким мўмин ҳолида яхши амал қилса”. Ажру савобга эга бўлиш учун иймон шарт. Иймонсиз яхши амалларга савоб йўқ. Фақат охиратдаги азобларнинг енгиллатилишига сабаб бўлиши мумкин.

“Биз унга яхши ҳаёт кечиртирамиз”. Яъни, дунёда хайрли ҳаёт кечиради: бой бўлса, тўкин-сочинлик билан, камбағал бўлса, қаноат ва Аллоҳнинг тақсимотига розилик билан.

“Ва албатта, уларни қилиб юрган амалларининг энг гўзалига бериладиган ажр ила



мукофотлармиз”. Охиратда эса уларни улуғ мукофотлар, боқий неъматлар кутади.

“Тафсири Байзовий” асосида
“Қўқалдош” мадрасаси мударриси
Авазбек ЖУМАБОВЕВ
тайёрлади.

Идора ҳаёти

Қардош халқлар уламолари учрашуви

Жорий йилнинг 23–26 октябрь кунлари Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари бошчилигидаги делегация Афғонистонда хизмат сафарида бўлди.

Ўзбекистон делегацияси Афғонистон Бош вазири ўринбосари Абдулсалом Ҳанафий, Иршод, Ҳаж ва вақф ишлари вазири Нур Муҳаммад Сақиб, Олий таълим вазири Неда Муҳаммад Надим, Балх вилояти ҳокими ўринбосари Абдулҳоди Абу Идрис ва Кобул уламолар кенгаши раиси Муҳаммад Руҳоний кабилар билан мулоқот ўтказди.

Учрашувларда томонлар сўнгги йилларда икки давлат ўртасидаги алоқалар ривожланиб бораётгани, турли йўналишлардаги ҳамкорлик муносабатлари, яқин кўшничilik ва дўстлик алоқалари мустаҳкамланаётганини таъкидладилар.

Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари юртимиз тараққиётининг янги даврида барча соҳалар қатори диний-маърифий жабҳада ҳам кенг кўламли ўзгаришлар бўлаётгани, хусусан, янги масжид-мадрасалар очилаётгани, Қуръони карим курслари фаолият юритаётгани, Фатво маркази иш бошлагани, ҳаж ва умра қилувчилар сони ошаётгани ва Ислом цивилизацияси маркази каби йирик лойиҳалар ишга



туширилаётганини алоҳида қайд этди. Ўзбекистон уламоларининг Афғонистон диёрига тарихий ташрифи ҳам мана шундай янги ланишларнинг узвий давоми экани эътироф этилди.

Дин пешволари ўзбек ва афғон халқларини қадимдан ягона дин, муштарак мақсадлар бирлаштириб туришини ифодалаш баробарида уламолар ҳамкорлигини йўлга қўйиш, илмий-тадқиқот, таълим-тарбия, ўзаро тажриба алмашиш, маълака ошириш ва диний-маърифий йўналишларда алоқаларни жорий этиш юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Афғонистонлик мутасаддилар Ўзбекистон замини қадим-қадимдан илм-маърифат тараққий этган

юрт экани, дунё тамаддунига ҳисса қўшган Имом Бухорий, Имом Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд каби буюк мутафаккирлар етишиб чиққанини эътироф этиш баробарида айни кунларда ҳам ушбу дийёрда турли соҳалар жадал раванқ топаётгани, айниқса, диний соҳада яхши натижаларга эришилаётганини эътироф этишди.

Мезбонлар Балх вилоятида Имом Бухорий мадрасаси бунёд этилаётгани, Ўзбекистон – Афғонистон чегарасида барпо этилган “Термиз халқаро савдо маркази” эркин савдо зонаси ҳамда инсонпарварлик ёрдамлари учун Афғонистон халқи номидан Ўзбекистон раҳбарияти ва халқига миннатдорлик изҳор этдилар.

Сафар асносида мамлакатимиз томонидан барпо этилаётган Балх вилоятидаги Имом Бухорий мадрасаси, Мозори Шариф шаҳрида жойлашган “Равзаи Шариф” масжид-мажмуаси, Кобул шаҳридаги “Пағмон қасри” мажмуаси каби масканлар зиёрат қилинди. Шунингдек, Кобул шаҳрида жойлашган Бобур Мирзо мақбарасида Қуръони карим тиловат қилинди.

Ўзбекистон уламоларининг Афғонистон сафари икки мамлакат дин пешволари ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга олиб чиққани билан аҳамиятли бўлди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси
Матбуот хизмати

Солиҳ амаллари зое қилинмас

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Аёллар эркакларнинг туғишганларидир”** (Имом Абу Довуд ривояти), дея марҳамат қилганлар. Маълумки, қадим замонларда одамзоднинг жаннатдан қувилишига аёл киши — Момо Ҳавво айбдор этиб кўрсатилар эди. Ислом эса, Одам алайҳиссаломни ҳам, Ҳавво онамизни ҳам тавбадан кейин Аллоҳ таоло мағфират этганини эълон қилди. “Аёл зотига Момо Ҳавводан мерос бўлиб қолган абадий гуноҳ бор”, деган гапни ботилга чиқарди.

Аллоҳ таоло Аҳзоб сурасида марҳамат қилади: **«Албатта, муслимлар ва муслималар, мўминлар ва мўминалар, итоатли эркаклар ва итоатли аёллар, ростгўй эркаклар ва ростгўй аёллар, сабрли эркаклар ва сабрли аёллар, тавозуъли эркаклар ва тавозуъли аёллар, садақа қилувчи эркаклар ва садақа қилувчи аёллар, рўза тутувчи эркаклар ва рўза тутувчи аёллар, Аллоҳни кўп зикр қилувчи эркаклар ва зокира аёллар учун Аллоҳ мағфират ва улкан ажрни тайёрлаб қўйгандир»** (35-оят). Араб тилида хитоб эркак ва аёлга бир хил сийғада бўлаверади. Аммо бу ерда

ҳар бир сифатни аёлларга хос сийғасини ҳам алоҳида келтиришдан мақсад уларнинг мазкур нарсаларда эркаклар билан тенг эканини таъкидлашдир. Демак, ибодатларда, солиҳ амалларда ва уларга бериладиган ажр-савобда ҳам эр ва аёл тенг ҳақли.

Аллоҳ таоло Наҳл сурасининг 97-оятида: **«Эркак бўлсин, аёл бўлсин, ким мўмин ҳолида солиҳ амал қилса, Биз уни, албатта, покиза ҳаётда яшатурмиз ва қилган амалларининг энг яхши ажрлари ила мукофотлармиз»** деса, Оли Имрон сурасининг 195-оятида: **«Бас, Парвардигорлари уларни (дуоларини) ижобат этиб, (деди:) “Албатта, Мен сизлардан амал қилувчининг — хоҳ эркак бўлсин ва хоҳ аёл бўлсин, бирдан-бирининг амалини зое қилмасман”»** деган. Ислом касб қилишдан ташқари, илм-маърифат соҳасида ҳам аёлларни эркаклар билан тенг ҳуқуқли қилди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Илм талаб қилиш ҳар бир мусулмонга фарздир”** (Имом Ибн Можа ривояти) дедилар.

Шунингдек, молу дунё ва уни тасарруф қилишда ҳам аёллар

эркаклар каби ҳуқуқларга эга. Нисо сурасида: **«Эркаклар учун қилган касбларида насиба бор. Аёллар учун қилган касбларида насиба бор»** (32-оят) дейилган.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ота-оналарга хитоб қилиб бундай деганлар: **“Совға беришда болаларингиз орасида тенгликка риоя қилинг, агар бировни афзал қўйгувчи бўлганимда, албатта, аёлларни афзал қўяр эдим”**. Ўғилга кўп нарсаси тортиқ қилиб, қизга озроқ нарсаси бериш ҳам исломий қоидага зиддир. Ўғил-қизга тенг қилиб бериш зарур. Ўша тенг нарсани беришда эса кўнгли нозиклигини эътиборга олиб, олдин қизлардан бериш тавсия қилинади.

Уламолар ҳам, бозордан мева-чева, қанд-қурс олиб келган киши болалар олдига югуриб келганда олдин қиз болаларга нарсаси бериш керак, деб тавсия қилдилар. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Исломда аёл киши асло камситилмаган.



Нуриддин ҲАМРОҚУЛОВ,
Учқўрғон тумани “Саттибой халфа”
жоме масжиди имом ноиб

Яхшиликка чақириш

Бу дўкон пештахталари пешма-пеш тўлдириб турилади. Аммо тонгга яқинлашиб яна бўшаб қолади. Энг қизиғи, унинг эшиги ҳаммаша очик. Лекин сотувчиси йўқ. Харидорлар дўконга кириб, хоҳлаган нарсасини олиб кетишлари мумкин. Пулини тўлаш шарт эмас. Ҳаммаси текин.

Мирзаобод тумани марказида, катта йўл бўйида уч йилдан буён ишлаб келаётган ушбу дўкон кимга тегишли эканлиги, албатта, ҳаммага қизиқ бўлса керак.

Мирзачўлни ўзлаштиришда фаол иштирок этган, узоқ йиллар раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилган, асли педагог Ҳамза ҳожи ота газета-журналлар ўқишни катта қилмайди. Бир куни у хориждаги бадавлат мусулмон киши минглаб муҳтож, мусофир муҳожирларга ҳар куни катта қозонда овқат тайёрлаб тарқатаётганлиги ҳақидаги хабарни ўқиб қолди. Дарвоқе, ҳожи ота ҳам жуда саховатпеша, қўли очик инсон. Шунданми, унинг кўнглидан: “Эҳтиёжмандларга ҳар куни овқат тарқатолмасак-да, бир дўкон очиб, уларнинг бирор кунига ярайдиган кийим-кечакларни қўлдан келганича улаш-сак-чи” деган фикр ўтди. У бу ниятини аёли, фарзандларига айтди. Улар ҳам эзгу ташаббусни баралла

қўллаб-қувватлашди. Айниқса, тўнғич ўғли Муродқосим бу ишга жиддий киришди.

Орадан кўп ўтмай, Ҳамза ҳожи ота ва фарзандлари маҳалла худудидан ўтувчи катта йўл бўйида мўъжазгина дўкон қуриб битказишди. Дастлаб одамлар ишонқирамай, ҳайрат билан қарашди. Аммо тез орада кўникишди. “Сотувчиси йўқ дўкон”га келиб, ўз эҳтиёжларига мос кийимларни олиб кетадиган бўлишди. Дўкон эгалари эса, кийимлари олиб кетилаётгани, эҳтиёжмандларнинг кунига яраётганидан хурсанд. Шу боис улар дўконни дам-бадам маҳсулотларга тўлдириб қўйишади.

Яхшиликнинг қаноти бор деганларидек, маҳалладаги ўзига тўқ кишилар ҳам ҳожи отадан ўрнат олиб, уйида ортган кийимларни ювиб, тозалаб, дўконга тахлаб кетадиган бўлишди.

— Ҳожи ота савобли ишга қўл урди, — дейди туман ободонлаштириш бошқармаси ишчиларидан бири. — Жойлардан чиқиндиларни олиб кетаётган маҳалда кийимларга, пойабзалларга кўзимиз тушади. Шундай пайтларда: “Бунинг уволи, исрофи йўқми, ахир кимлардир шунга зор”, деб ўйлардик. Бундай дўконларни ҳамма жойда ташкил қилиш фақат фойдали бўлади.

Айтишларича, дўкон ҳар куни тўлдирилади ва ҳар куни бўшайди. Бериш ва олиш қўлларни эса биров билиб, биров билмайди. Муҳими, бу манзил саховат ва савобга тўла.

Ҳамза ҳожи ота Эшназаров эса яна янги хайрли ишларни амалга ошириш иштиёқида. Ота бошчилигида туман марказида янги масжидга тамал тоши қўйилди. Ҳомийлар топиш, юқоридаги мутасадди ташкилотларнинг розилиги, ёрдамлари, қурилиш ишларининг бориши ҳамма-ҳаммасига ҳожи отанинг ўзи бош-қош бўлди. Яқиндагина фойдаланишга топширилган жомедаги қулайликлардан эса ҳамма мамнун.

Юртимизда шундай бағрикенг, саховатпеша сахий инсонлар кўпаяверсин.



Баҳор ХОЛБЕКОВА,
Сирдарё вилояти



Сотувчиси йўқ дўкон

Масала

Динда саволим бор...

САВОЛ: Киши хуфтон намозини ёлғиз ўзи махфий ўқиётганида биров келиб унга иқтидо қилса, намоз ўқиётган киши шу ҳолда давом эттирадими ёки қироатни жаҳрий қиладими?

ЖАВОБ: Шом, хуфтон, бомдод намозларини ёлғиз ўзи ўқийдиган киши ихтиёрли: истаса, қироатини жаҳрий, истамаса, махфий қилади. Лекин унга биров келиб иқтидо қилса, у имомга айланади. Агар сиз айтган ҳолат аввалги икки ракатнинг бирида, у Фотиҳа сурасини тўлиқ ёки баъзи қисмини ўқиб бўлганидан сўнг содир бўлса, Фотиҳа сурасини овоз чиқариб қайта ўқийди. Шунингдек, барча такбирлар ва саломни жаҳрий айтади (“Баҳрур роиқ”).

САВОЛ: Ошхоналарда маълум миқдордаги таомни муайян муддатда ейиш эвазига мукофот қўйилмоқда. Баъзисида шарт бажарилса-бажарилмаса, овқатнинг пули тўланади, баъзисида эса, шартни бажара олмаган овқат пулини тўлайди. Шартни бажарса, ютуқни қўлга киритади. Шу жоизми?

ЖАВОБ: Таом ейиш эвазига мукофот тайин қилиш қиморга ўхшайди, яъни қиморнинг бир кўринишидир. Яна унда кишининг ўзига ўзи зарар қилиши бор. Тўқ қоринга таом ейиш соғлиққа зарар. Шунинг учун тўйгандан кейин ейиш динимизда ҳаром қилинган. Фақат икки ҳолатда: рўза тутиб толиқиб қолмаслик учун саҳарликда ва меҳмон тортиниб тўймасидан олдин таомдан қўл тортиши мумкин бўлган ҳолатда мезбон тўйган бўлишига қарамай, еб туриши жоиз.

САВОЛ: Онам менга: “Хотининг билан ажрашмасанг, сени оқ қиламан!” деяпти. Онамнинг бу талабини бажармасам, оқ бўламанми?

5-бетда

Устозсиз таълим камолга етмас

Замонамиз олимларидан бири Муҳаммад Ҳасан Ҳийту ҳафизахуллоҳ “Мутафайқиҳун” номли китобда куйидагиларни келтиради: «Ал-Азҳар университетида ўқиб юрган кезларим устозим менга бошидан ўтказган бир воқеани сўзлаб берди: «Фикҳ фанидан дарс қилиб ўтириб, савдо китобидаги «Юҳрому байъу баромбалулин би баромбалул» — “баромбалулни баромбалулга сотиш ҳаром бўлади”, деган иборага дуч келдим. “Баромбалул” нима эканини тушунмадим. Шарҳларни, изоҳларни, ҳаволаларни қараб чиқдим: бирортасида бу ҳақда маълумот йўқ. Менда китобнинг матни ва шарҳига шубҳа уйғона бошлади. Лекин ўйлаб қолдим: агар хато матнда бўлганида, шунча шарҳлар ичидан, албатта, унинг изоҳи чиққан

бўларди, балки бу иборани ўзим тушунолмаётгандирман...

Хуллас, мен бу ҳақда устозимдан сўраганимда у менга бундай деди: “Ўғлим, ким илмни устозсиз фақат китобнинг ўзидан ўрганадиган бўлса, адашиши муқаррар. Устоз тушунилмаган ўринларни тушунтириш, мутлақни қайдлаш, мужмални муфассал қилиш, истилоҳдан қўзланган маъноларни баён этиш учун зарур. Агар китобнинг ўзи устозсиз бирор фойда келтирганида, Аллоҳ таоло пайғамбарлар юбормай, китобнинг ўзини тушириб қўйган бўлмасмиди?! Аллоҳ таоло китоб берилган пайғамбарларнинг зиммасига уларни одамларга тушунтириб бериш вазифасини юкламагани бежиз эмас. Бекорга илмни яширган кишиларга оловли юган билан таҳдид қилинмаган. Агар китобнинг

ўзи кифоя қилганида, илм эгалари учун бунчалар қаттиқ шартлар қўйилмаган бўларди. Чунки китоб ҳаммага — донога ҳам, нодонга ҳам бирдек очик.

Эй ўғлим, бу жумланинг тўғриси бундай: “Яҳруму байъу бурри маблулин би бурри маблулин” — “Нам буғдойни нам буғдойга сотиш ҳаром бўлади” (яъни, ёзишда икки сўз бир-бирига қўшиб юборилгани учун маъно чиқмаган).

Бу луғатни ҳам, изоҳни ҳам, ҳаволани ҳам талаб қилмайди. Балки бу худди сен савол билан менга мурожаат қилганинг каби тавозеани талаб қилади”, деди.

Шайхим мазкур ҳаётий воқеа орқали менга илм йўлида ҳақиқатни топиш учун қандай йўл тутишни сабоқ бермоқчи бўлганини англадим.

Бугун мусулмонлар бир қанча синовларни бошдан кечирмоқда. Илм олимларнинг вафоти билан камайиб кетаётган, жоҳиллик кўпайиб бораётган замонамизда мусулмонлар илмни устоздан эмас, китобдан олган одобсиз, тарбиясиз кишиларга дуч келишмоқда. Улар китоблардаги матнларни нотўғри тушуниб олиб, уларни ўз хоҳишлари ила жоҳилларча изоҳлашди. Агар улар тушунмаганларини илм аҳлидан сўраб билганлариди эди, ҳаммаси бошқача бўларди. Ахир ҳадиси шарифда **“Билим-сизлиكنинг давоси — савол”** деб бежиз айтилмаган».

Тошкент туманидаги “Эшон бува” жоме масжиди имом-хатиби
Боборавшан РАСУЛОВ
тайёрлади.

Ҳикмат — мўминнинг йўқотгани

Бир куни Абу Дардо розияллоҳу анҳу тўпланиб турган одамлар ёнидан ўтди. Улар бир кишини қандайдир гуноҳи учун қийиб, изза қилишарди. Абу Дардо уларга қарата: “Агар у қудуққа тушиб кетса, унга ёрдам берармидингиз?” деди. Улар: “Албатта!” дейишди. “У ҳолда биродарингизни ҳадеб тергаб, изза қилиш ўрнига ўша гуноҳни сизларга қилдириб қўймагани учун Аллоҳ таолога ҳамд айтинглар”, деди Абу Дардо розияллоҳу анҳу. Одамлар: “Сен унга нисбатан нафратни ҳис қилмаяпсанми?” деб сўрашди. Шунда у: “Мен унинг қилмишидан нафратланаман. Агар у қилмишини тарк этса, демак, у — менинг биродарим”, деб жавоб қилди.

Аллоҳ билан муносабат ўрнатиш учун қандайдир даража ёки мақомга эришиш шарт эмас. Балки берган неъматлари учун У Зотга шукр айтишинг, буйруқларини бажариб, қайтариқларидан қайтишинг ва Ўзига ихлос билан ибодат қилишинг кифоядир.

Аҳмад Абу Яҳё

Гарчи дирҳамнинг тўртдан бирини ёки ноннинг бир бўлагини бўлса ҳам ҳар куни садақа қил. Токи Аллоҳ таоло сени садақа берувчилардан деб ёзиб қўйсин. Бир оят бўлса ҳам Қуръон тиловат қил. Токи Аллоҳ таоло сени Ўзининг Китобини тиловат қилувчилардан деб ёзиб қўйсин. Тунда туриб, ақалли икки ракат бўлса ҳам намоз ўқи. Токи Аллоҳ таоло сени кечаларни қоим қилувчилардан деб ёзиб қўйсин.

Аҳмад Абу Яҳё

Гарчи сиз масжидларга ёки илм мажлисларига қатнашингизга қарамай, аввалги бепарволик ва гуноҳларда давом этаётган бўлсангиз ҳам, “Булардан менга фойда бўлмаяпти”, деган ўй билан у мажлисларни тарк этманг. Зеро, бир касаллик билан қирқ йил оғриган киши, ундан санокли кунларда халос бўлиши мумкин эмас.

Аҳмад Абу Яҳё

Ёрдамсиз қолдирилган киши ким?

Фақат икки тоифа одам билан муомала қилинг: яхшилик ва тақво йўлида ҳамда дунё ишларида сизга ёрдам берадиган киши. Агар Аллоҳ таоло икки дунёингизга ёрдам берадиган кишини сизга юборса, ўша билан муомала қилинг, ундан бошқасини тарк этинг.

Аҳмад Абу Яҳё

Агар сендан мўмин ким деб сўрашса, “Одамларнинг камчиликларини билатуриб улар ҳақида гапирмайдиган киши”, деб жавоб бер. Агар сендан: “Ёрдамсиз қолдирилган киши ким?” деб сўрашса, “Ўзини комил ва бенуқсон санаб, бошқаларнинг камчиликларини гапирадиган киши” деб жавоб бер (“Тоҳул арус”. Атоуллоҳ Сакандарий).

Унутма, умрининг бир қисми ғафлату маъсиятда ўтган бўлса, лоақал, қолган қисмини сақлаб қолиш лозим. Ўн боласидан тўққизтаси ўлиб, фақат биттаси қолган онани тасаввур қилиб кўр. У бор куч-қувватини ўша

битта фарзандини асраб қолиш учун сарфламайдими?!

Сен ҳам умрининг кўп қисмини зое қилдинг, ҳеч бўлмаса, қолган қисмини авайла. Ахир улар кўп қолмади. Аллоҳга қасамки, сен ҳақиқий ҳаётингни туғилган онингда эмас, балки Раббингни таниган онингда бошлагансан (“Тоҳул арус”. Атоуллоҳ Сакандарий).

Аллоҳ таолонинг энг катта меҳрибонлиги — етмиш йил гуноҳ қилиб, битта тавба қилганингда У сени кечириб, барча гуноҳларингни ўчириб ташлашидир (“Тоҳул арус”. Атоуллоҳ Сакандарий).

Кўп гуноҳ қилиб, кейин Аллоҳдан кўп мағфират сўрайдиган кишининг мисоли худди такрор-такрор заҳар ичиб, ортидан даво қабул қиладиган кишига ўхшайди. Унга дедилар: “Эҳтимол, бир кун давони қабул қилишга улгурмасингдан ўлим сенга етиши мумкин” (“Тоҳул арус”. Атоуллоҳ Сакандарий).

Азизбек ХОЛНАЗАРОВ тайёрлади.

Газетхон илҳоми

Камтарга камол

Гуллашиб курсанг ҳам қошона, сарой,
Ёнингда бўлса ҳам париваш, чирой,
Ўнгингу чапингга кўнса тўлин ой,
Мен сенга айтайин ягона сирим,
Камтарин бўл, дўстим, камтарин.

Дунёни титратиб Искандар ўтди,
“Раббман”, деб фиръавн денгизга чўкди,
Мусога етолмай ажали етди,
Оз бўлса ҳам ўйла у дунё ғамин,
Камтарин бўл, дўстим, камтарин.

Мазлум, етимлардан аяма ошинг,
Уларни шод қилсанг, омонда бошинг,
Умрингда барака, узаяр ёшинг,
Сенга қулиб боқар осмону замин,
Камтарин бўл, дўстим, камтарин.

Керилиб бандаси тоғдан ўтолмас,
Қанчалар тепса ҳам ерни тешиолмас,
Ҳар недан қочса ҳам ажалдан қочолмас,
Истиғфорлар айтиб юв қалбинг қирин,
Камтарин бўл, дўстим, камтарин.

Осмонга учсанг ҳам ерга тушарсан,
Қанчалар югурсанг, ризқингни ерсан,
Минг афсус, келишининг кетиши бордир,
Ҳеч ким ечолмаган ўлимнинг сирин,
Камтарин бўл, дўстим, камтарин.

Эй Нуриддин, қўлинг кўксингда бўлсин,
Дунё қалбда эмас, қўлингда бўлсин,
Олиб кетар кафанинг елкангда бўлсин,
Ойна, эшиксиз уйнинг ўйлагин ғамин,
Камтарин бўл, дўстим, камтарин.

Нуриддин БОБОЖОНОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси


Ҳалол меҳнат самаралари

Юртимизда муҳташам ва бетакрор меъморий обидалар кўп. Улар неча юз йиллар ўтган бўлса ҳам ўз маҳобати ва гўзаллигини йўқотмай келмоқда. Бу, албатта, буюк аждодларимизнинг меъморчилиги соҳасидаги юксак ақл-заковатидан далолат беради.

Тарихий обидаларнинг янада кўркамлик ва жозиба касб этишида уста-дурадгор ҳамда реставраторларнинг алоҳида хизмати бор. Улар халқимизнинг маданий меросини келажак авлодга бус-бутун етказишда фидойилик кўрсатмоқдалар. Хусусан, тошкентлик уста дурадгор Абдусаттор ҳожи Муслимов ҳам ана шундай эзгу ишлари билан элу юрт орасида ҳурмат ва эҳтиром топганлар.

Дарвоқе, Абдусаттор Муслимов 1941 йилда пойтахтимизнинг Самарқанд дарвозаси мавзесида туғилган. Унинг болалиги турли қийинчилик ва етишмовчиликларда ўтган бўлса-да билим ва ҳунар эгаллашдан тўхтамайди. Маҳалладаги донгдор усталарга шогирд тушиб, ёғочга ишлов бериш сирларини ўрганади. У устозларининг ўғитига қатъий амал қилар, ишга меҳр билан ёндашар эди. Шу туфайли тез орада катта дурадгор бўлиб танилади.

1961 йилда уста Абдусаттор Муслимов Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси (ҳозирги ЎМИ) раиси, муфтий Зиёвуддин қори Бобоҳоновнинг назарига тушади. Муфтий ҳазратлари устани идорага ишга қабул қилиб, тизимдаги муҳим маданий мерос иморатларини қайта таъмирлаш ҳамда мустаҳкамлаш ишларига киришади. 1962 йилда катта уста Содиқ ота билан биргаликда



“Бароқхон” мадрасасини таъмирлай бошлайди. Улар тарихий обидага ўта эҳтиёткор муносабатда бўлиб, асл ҳолига зиён етказмаган ҳолда хоналар ва уларнинг полларига ишлов беришади. Икки устанинг тинимсиз меҳнати билан мадраса кўп ўтмай қайтадан чирой очиб, сайёҳларнинг ҳайратига сазовор бўлади.

Дарвоқе, Абдусаттор Муслимовнинг меҳнатсеварлиги, салимийлиги жамоада эътироф этилади. Унинг иш намуналари эса кўпчиликка ибрат қилиб кўрсатилади.

1966 йилда Абдусаттор уста “Намозгоҳ” меъморий иншоотини таъмирлашга тушади. Иншоотнинг чироган устунлари ўрнига меҳр билан ишланган ганчкор устун ва эшик-деразалар ўрнатилади. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, бугун бинонинг тароватига кўрк қўшиб турган бу ўймакор маҳсулотлар айнан Абдусаттор устанинг қўл меҳнати билан қад ростлаган.

Орадан бир неча йил ўтгач,

1971 йилда Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти фаолияти йўлга қўйилади. Табиийки, унинг биноси мусулмон меъморчилигига хос бўлиши лозим. Абдусаттор Муслимовнинг маҳорати билан институт биноси, унга ёндош ошхона, хўжалик бинолари қад ростлади. Ҳозирги пайтда ушбу иншоотлар ёшларимизнинг сеvimли таълим масканига айланган.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузуридаги “Шамсуддинхон Бобохонов” нашриёт-матбаа ижодий уйи биноси қурилишига ҳам Абдусаттор Муслимов бош-қош бўлган. Ушбу ҳудудда бунёдкорлик ишлари олти йил давом этган. Замонавий меъморчилик ютуқларини ўзида мужассам этган бино 1988 йилда фойдаланишга топширилади.

Албатта, бугун уста-дурадгор Абдусаттор Муслимовнинг қайта ишлов берган обидалари ҳамда бунёд этган бинолари халқимизнинг маданий бойлигига айланиб қолган. Уларни асраб-авайлаш ва келажак авлодга бус-бутун етказиш ҳаммамизнинг бурчимиз бўлмоғи лозим.

Уста дурадгор Абдусаттор ҳожи Муслимов бугун кексалик гаштини сурмоқда. Бир ҳовли неvara ва чевараларига ҳалол меҳнат, фойдали касб-ҳунар эгаллаш, устозларни эъзозлаш ва бошқа яхшиликка чақирувчи фазилатларни айтишдан эринмайди.

Биз ҳам Аллоҳ таолодан Абдусаттор ҳожи Муслимовнинг умрига барака, мустаҳкам соғлиқ ва омонлик тилаб қоламиз.

Дилмурод СОДИҚОВ

Газетхон илҳами

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.

Алишер Навоий

Устозим хотирасига

Бу кўнгил кемтик эди дунёнинг ҳовлисида,
Истагим бўлмас раво каззоблар мажлисида.
Диёримни тарк этдим, бўлса-да, қалбга оғир,
Ғурбат ихтиёр этдим Ул Ҳақнинг орзусида.

Бир маконга қўндим мен, учради солиҳ киши,
Панду насиҳат қилди мўминлик қайғусида.
Ўй топгандек бўлдим кўнглимнинг ахтарганин,
Устозим дея эъзоз-эҳтиром туйғуси-ла.

Бериб иймондан сабоқ, қалбга солди калима,
Бардавом бўлдим илм ва ҳикмат ёғдусида.
Шогирд бўлиб олимга излаганимни топдим,
Юзларим ёруғ бўлсин иймоним кўзгусида.



“Бўстон”* каби масканда жам бўлишиб шогирдлар
Бир масжид бунёд этди охират орзусида.
Мулла “Шайхиддин эшон”, устоз бўлдингиз кўпга,
Илоҳим, топай сизни жаннатини – Тубийсида.

Абу Карим АЛИМОВ,

Самарқанд шаҳридаги “Дарғом” жоме масжиди қавмидан

* Сирдарё вилоятидаги “Бўстон” шаҳарчаси назарда тутилган.

Масала

3-бетда

ЖАВОБ: Қайнона келинидан озор ва ёмонлик кўрмаган бўлса-ю, фақат уни ёқтирмагани учун талоқ қилдирмоқчи бўлса, ўғил итоат этмайди.

Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳга: «Бир одамнинг онаси: “Хотининг талоқ қилсан”, деб туриб олса, нима қилади?» дейилди, у: “Хотинни талоқ қилиш онага нисбатан яхшилик қилиш сирасидан эмас”, деб жавоб берди.

«Бир киши Имом Аҳмаддан: «Отам менга хотинимни талоқ қилишимни буюрмоқда. Нима қилай?» деб сўради. «Аёлингни талоқ қилма!» деди имом. «Умар розияллоҳу анҳу ўғли Абдуллоҳга хотинини талоқ қилишга буюрган-ку?» дея эътироз билдиришди. Имом: «Отанг Умар розияллоҳу анҳудек бўлганида, сен ҳам талоқ қилсанг бўларди», деди. Яъни, «Отанг Ҳазрат Умар каби ҳақ ва адолатда қоим, ҳавойи нафсга эргашмайдиган даражага етмаган бўлса, хотининг талоқ қилма», дейилмоқда («Мавсуъа фикҳийя»).

Бу масала қизини мажбуран ажратиш олишга уринадиган ота-оналарга ҳам тегишли.

САВОЛ: Етимлар ва уларнинг онаси ўртасида мерос тақсимланган. Улар бирга яшашади. Она етимларга васий қилиб қўйилган. Қайтариб қўйиш шартини билан она болаларнинг пулларида фойдаланиб турса бўладими?

ЖАВОБ: Етим болага қараб турган васий агар муҳтож бўлса, етимнинг молидан ҳожати миқдорича олиб туриши мумкин. **“У молларни исроф қилиб ва (эгалари) катта бўлиб қолмасин, деб шошилиб еб қўйманглар.** (Етимни ўз қарамоғига олган) **киши агар бой бўлса,** (етимнинг молидан) **парҳез қилсин, камбағал бўлса, яхшилик билан** (яъни, қилган хизматига яраша) **олиб есин**” (Нисо сураси, 6-оят).

Уламолар: “Етимга васий бўлган киши етимнинг молидан ортиқчасини ейиши ҳаром бўлади”, деганлар.

Васий етимнинг молини шунчаки сақлаб турмай, уни тижоратга тикиб кўпайтириши керак. Васий етимларнинг молини тижорат ва бошқа йўллар билан кўпайтирганидан сўнг фойдадан хизмат ҳаққи сифатида олиши мумкин. Лекин васий ўз молини кўпайтириб, етимларнинг молларини ўзи хоҳлагандай тасарруф қилиши мумкин эмас.

7-бетда

Абу Зар розияллоху анхундан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Қаерда бўлсанг ҳам, Аллоҳга тақво қил ва ёмонликка яхшиликни эргашитир, (ўша яхшилик) ёмонликни ўчиради. Инсонларга чиройли хулқ билан муомала қил”**, дедилар (Имом Термизий ривояти).

Ибн Ҳажар Ҳайтабий раҳматуллоҳи алайҳ айтиди: “Ушбу ҳадис шариат ҳукмларини ўзида жамловчидир. Чунончи, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтариш динимиз таълимотидир. Мазкур ҳадис иймон, Ислоҳ ва эҳсонни қамраб олгандир”.

Муновий раҳматуллоҳи алайҳ бундай дейди: “Бу ҳадис икки дунё яхшилигини ўзида мужассам қилгандир. Мўмин инсонга Ҳақ ва халқнинг ҳақиқа риюя қилишни ўргатади”.

Тақво — ҳаромдан узоқ бўлиш, фарзларни адо этиш

Ибн Аллон Содиқий раҳматуллоҳи алайҳ: “Бу ҳадис Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг сўзларини жамловчидир. Чунки “тақво” лафзи, оз бўлса-да, Аллоҳ таолонинг ҳаққини жамловчидир. Чунки Аллоҳ таоло буюрган ҳар бир нарсани қилиш ва ман этган ҳар бир нарсадан четда бўлиш тақводир. Ким ушбу ишни қилса ёки тақво билан сифатланса, Аллоҳ таоло Ўз Китобида турли сўзлар билан шарафлаганлардан бўлади”, деган.

Мўмин киши кўпчилик орасида ўзини қандай тутса ва тақво қилса, ёлғиз қолганида ҳам худди шундай бўлиши керак. Турли макон ва замонларда ҳам тақвони

лозим тутиши керак. Аллоҳ таоло банданинг барча ҳолатларидан ҳабардор эканлигини билиш тақвонинг таянчидир. Аллоҳ таоло Мужодала сурасида: **“Уч кишининг ўзаро шивирлаши бўлса, албатта, Аллоҳ уларнинг тўртинчиси-дир”** деган (7-оят).

Тақво, бажарилиши лозим бўлган ва қайтарилган ишларни тарқилишни ўзида жамловчи калимадир. Умар ибн Абдулазиз раҳматуллоҳи алайҳ: “Аллоҳга тақво қилиш кундузлари рўздор ва кечалари қоим бўлиш билан эмас, балки Аллоҳ таоло ҳаром қилган ишларни тарқ этиш ва фарз қилган амалларни адо этиш билан бўлади.

Кимда ушбу сифатлар бўлса, у яхшилик узради”, деган.

Ҳадисда кишидан содир бўлган ёмонлик, гуноҳни намоз, садақа ва истиффор каби яхши амаллар билан кетказишга буюрилмоқда. Чунки яхшиликлар ёмонликларни ўчиради. Ҳадисда инсонларга гўзал, чиройли, яхши кўрилган ва лутфу қарам билан муомала қилиш талаб этилмоқда. Ким одамлар билан гўзал муомала қилса, дунёда нажот топиши ва охирада ютуқ ва зафарларга эришиши таъкидланмоқда.

 “**Ҳожа Бухорий**” мадрасаси ўқитувчиси **Ўткирхон МАҲМУДОВ** тайёрлади.

Ислоҳ сабоқлари

Аҳли сунна вал жамоа эътиқодига кўра, саҳобалар — фазилатлари Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда баён қилинган, севилиши вожиб бўлган зотлар. Аҳли сунна мана шу жиҳати билан бошқа жамоа ва йўналишлардан ажралиб туради. Бинобарин, бизларга Аллоҳнинг ва Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг амрларини тўла-тўқис ҳолда етказган зотлар айнан саҳобалардир. Ҳа, улар Набий соллаллоху алайҳи ва салламнинг ёнларида

Улар бошимизнинг тождир (Биринчи мақола)

туриб, Аллоҳнинг ваҳийига гувоҳ бўлган энг бахтли инсонлардир. Содда қилиб айтганда, улар Аллоҳнинг динини Пайғамбар алайҳиссаломдан қабул қилиб олиб, кейинги умматга бирор нуқсон ва камчиликка йўл қўймаган ҳолда етказиш учун танлаб олинган авлоддир.

Аҳли сунна олимлари эътиқод масаласида таълиф этган ўнлаб

ақида ва калом китобларида бир тарафдан, саҳобалар ҳақида ўз ишонч ва ёндашувларини ифода этса, иккинчи томондан, қарама-қарши ғоядаги мазҳабларга муносиб жавоб берганлар. Бундай ёндашувнинг сабаби саҳобалар мавзуи диннинг энг муҳим масалаларидан экандир.

Дарҳақиқат, Қуръони карим ва суннати набавиянинг кейинги

наслларга етиб бориши саҳобаи киромнинг заҳмати туфайли амалга ошган. Бу вазифани аъло даражада бажаришгани учун Ислоҳ бошқа динларнинг бошига келган ўзгартиришлардан омон қолган. Шу эътибордан саҳобаи киромлар бу уммат бошидаги тождир.

 **Дамин ЖУМАҚУЛ** тайёрлади.

Холис фикр

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **«Мўминлар ва мўминалар бир-бирларига биродардирлар: (одамларни) яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтардилар»** (Тавба сураси, 71-оят). Ушбу ояти карима умматни аҳилликка ва дўстликни мустаҳкамлашга тарғиб ва ташвиқ қилади. Ислоҳнинг илк даврига назар солсак, мўминлик риштаси туфайли инсонлар ўртасида аҳиллик, тотувлик, дўстлик мустаҳкам қарор топди. Йиллар давомида адоватлашиб келган инсонлар ҳам дўст-биродарга айланишди.

Анас розияллоху анхундан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Киши ўзи учун яхши кўрган нарсани биродарига ҳам раво кўрмагунича комил мўмин бўла олмайди”**, деганлар (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти). Бошқа ҳадисда **“Бир-бирларингизга биродар бўлмагунингизча мўмин бўлмайсизлар, мўмин бўлмагунингизча жаннатга кира олмайсизлар”**, деб таълим берганлар (Имом Муслим ривояти).

Ушбу кўрсатмаларга бўйсунган ҳар бир мусулмон ўз диндошларини дўст тутди, уларга ҳамиша ёрдамга ошиқади, ҳурмат-эҳтиром кўрсатади, шариат талабларига кўра муносабатда бўлади.

Умар ибн Хаттоб розияллоху анхунинг ушбу сўзлари эътиборга молик: “Инсонларга чиройли дўст бўлиш — ақлнинг ярми.

Билмаганини чиройли тарзда сўраш — илмнинг ярми. Чиройли тадбир қилиш ҳаётдаги бахтнинг ярмидир”.

Имом Ғаззолий “Ихёу улумид дин” китобида дўст-биродарликни уч турга ажратади. Биринчиси, кишининг дўстига муносабати қулига қиладиган муомаласига ўхшаш бўлади. Яъни, у ҳам дўстини оч ва юпун ҳолда қолдирмайди, хасталикка чалинса, шифо топишига ёрдамлашади ва ҳоказо. Иккинчиси, инсон ўзи яхши кўрган нарсани дўстига ҳам илинади. Учунчиси, киши дўстининг эҳтиёжини ўзиникидан устун қўяди.

Мазкур асарда дўстлик тушунчаси ва у тақозо қиладиган мажбуриятлар тўғрисида бундай дейилади: “Агар дўстингга бирор ҳолатинг тушадиган бўлса, буни унга айт. Мабодо унда ҳеч қандай ҳаракат кўрмасанг, яна бир марта эслат, зеро, инсон унутувчидир. Эҳтимол, ёдидан кўтарилгандир. Агар яна эсидан чиқиб қолса, яна эслат. Бордию, шунда ҳам сенинг эҳтиёжинг бўйича унда ҳаракат сезмасанг, унга тўрт марта такбир айтгин-да, йўлингда давом этавер. Зеро, у кимса ўлик қатори экан”.

Демак, ҳақиқий дўстни фақат ўлимгина

биродарининг шикоятини тинглаш, унга ёрдам қўлини чўзишдан тўсади. Шу маънода, дўсти учун югуриб-елмаган инсонни тириклар сафига қўшиш қийин.

Афсус, худбинлик авж олаётган бугунги даврда чин маънодаги дўстлик танқис бўлиб бормоқда. Манфаатпарастлик яқинлар ўртасидаги меҳр-оқибатни сусайтираётир. Албатта, биродарингиз билан орангиздаги дўстлик риштаси жиддий парваришни, эътиборни талаб этади. Инсон чин дўстни топиши учун аввал ўзи кимгадир дўст бўлишга ҳаракат қилмоғи мақсадга мувофиқдир.

Яқинда ижтимоий тармоқда кўзим тушган ушбу шеърда шоир Раҳимий дўстлик ҳақида ажойиб мисралар битган:

Ўғит ўргатди Ул Маҳбуб, шафоат дуррига Соҳиб:
Ризои Ҳаққа ким толиб, Худо йўлида дўст бўлсин.
Бўлмасин қасди бир дирҳам ва ёки гавҳару дур ҳам,
Йўлин тўсмай тоғу қир ҳам, Худо йўлида дўст бўлсин.
Соғинчи йиғлатса — чин дўст, висоли қувнатса — чин дўст,
Худони эслатса — чин дўст, Худо йўлида дўст бўлсин.
Узоқдан меҳрини туйсин, ўзидан кўп уни суйсин,
Ширин жонин тикиб қўйсин, Худо йўлида дўст бўлсин.
Жаҳаннам кўрмасин сийнам, беҳишда яйрасин дийдам,
Десаким гар Раҳимий ҳам, Худо йўлида дўст бўлсин.

 **Муҳибуллоҳ ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
Турақўрғон тумани бош имом-хатиби

Ислом шариати асослари

Суннат — шариатнинг иккинчи манбаси. Суннатнинг луғавий маъноси “йўл” бўлиб, истилоҳда Набий алайҳиссаломнинг сўзлари, амаллари ёки тақрирларига нисбатан қўлланилади.

Аллоҳ таоло: **«Пайғамбар сизларга келтирган нарсани олингиз, у сизларни қайтарган нарсадан қайтингиз»** (Ҳашр сураси, 7-оят), **«(Пайғамбарнинг) амрига хилоф иш тутадиган кимсалар ўзларига бирор кулфат ёки аламли азоб етиб қолишидан сақлансинлар!»** (Нур сураси, 63-оят) деб амр қилади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: **«Яқин кунларда сизлардан бўлган баъзи кишилар ўрнига ёнбошлаб олиб, менинг ҳадисимдан гапириб бундай дейиши бор: “Сизу бизнинг ўртамизда Аллоҳнинг китоби бор, унда нима ҳалол дейилган бўлса, уни ҳалол деймиз, нима ҳаром дейилган бўлса, уни ҳаром деймиз”. Огоҳ бўлинглар, Расулulloҳнинг ҳаром қилгани Аллоҳнинг ҳаром қилгани билан тенгдир»** (Имом Ибн Можа ривояти).

Бундан суннатга эргашиш вожиблиги келиб чиқади.

Баъзи тоифалар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларини тарк

қилишлари оқибатида адашиб кетиб, бошқаларни ҳам адаштирганлар. Улар Куръонда ҳамма нарсанинг баёни келтирилган, суннатга эҳтиёжимиз йўқ, дейишади. Улар биргина Куръон ҳукмларига амал қилинса ҳам, мақсадларига етишлари учун кифоя қилади деб қаттиқ янглишадилар. Айнан мана шу ечим ва хулоса рофизийлар, жаҳмийлар ва хаворижларнинг аҳли сунна билан ихтилофга боришларига сабаб бўлди. Масалан, рофизийлар Нисо сурасининг 11-оятида баён қилинган мерос ҳақидаги оятни маҳкам тутиб: “Биз пайғамбарлар жамоаси мерос қолдирмаймиз, нимани қолдирса, у садақадир”, деган ҳадисни инкор этишган.

Жаҳмийлар эса **«Унинг (Аллоҳнинг) мислидек бирор нарса йўқдир»** (Шўро сураси, 11-) оятига таяниб Аллоҳнинг сифатларини исбот қилувчи ҳадисларни инкор қилишса, хаворижлар **«Эй мўминлар! На савдо-сотик, на ошна-оғайничилик ва на шафоат бўлмайдиган кун (қиёмат) келишидан олдин (шу дунёда) сизларга ризқ қилиб берган нарсаларимиздан эҳсон қилинлар!»** (Бақара сураси, 254-) ояти билан шафоатнинг ҳақлиги, кабира гуноҳ қилган мўминларнинг дўзахда абадий

қолмаслиги ҳақидаги ҳадисларни рад этишади.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳудан: **“Нима билан ҳукм қиласан?”** деб сўраганларида, “Аллоҳнинг китоби билан ҳукм қиламан”, деб жавоб беради. **“Агар Куръондан топа олмасанг-чи?”** деганларида: “Расулulloҳнинг суннатлари билан ҳукм қиламан”, деб жавоб берган...

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анху қози Шурайхга: “(Ҳукм чиқаришда, аввало) Аллоҳнинг Китобида баён қилинган ҳукмга қара ва ҳеч кимдан сўраб ўтирма. Аллоҳнинг Китобидан топа олмасанг, Расулulloҳнинг суннатларига эргаш”, деб мактуб йўллаган. Бу каби мулоҳазалар салаф уламоларнинг ҳаётларида кўп-кўп учрайди.

Суннатга амал қилиш Куръонга амал қилиш демакдир. Суннатнинг даражаси Куръоннинг даражасидан қуйи туради. Ҳанафий мазҳабида фарз билан вожиб ўртасининг ажратилиши ҳам Куръоннинг суннатдан муқаддам қўйилишига асосланади.

(Давоми бор...)

✍ **Ҳомиджон қори**

ИШМАТБЕКОВнинг “Ислом фикҳи асослари” китоби асосида тайёрланди.

Шукрона

Олис хотиралар сабоғи

Тўқсон ёшдан ошиқ умр кўрган раҳматли онам Зайнаб момо Саттор қизи қийинчиликда ўтказган ёшлик даврларини худди эртак сўзлагандек ҳикоя қилиб берарди. Болалиги ўтган асрнинг йигирманчи йилларига тўғри келган онам нонга тўймай ўсади. Қўлидан иш келиб қолган пайти эса қаттиқ очарчилик юз беради. Қаҳатчиликдан эсон-омон чиқади. Аммо оғир меҳнатдан кутулмайди. Онаминг хотираларини ҳозирги ёшларга айтиб берсанг, ишонмасликлари аниқ.

— Не қийинчиликларни кўрмадик, — дерди у. — Қўлимизда ёш бола билан далада ғалла ўрардик. Уруш даврида ҳамма оғир юмушлар хотин-қизларнинг елкасига тушди. Ерни омовда шудгорлаб, экин экишдан тортиб ҳосилни йиғиб олиш, зил-замбил юкларни кўтаришгача — ҳамма-ҳаммасига балоғардон эдик. Чунки эркалар урушга кетган, техника ўрнида эса от, эшакаравадан фойдаланиларди. Бунинг устига, очарчилик силламизни қуритарди. Ўша вақтлар қанча

одамлар, гўдаклар очликдан нобуд бўлди. Илоҳим, биз кўрган кунларни сизлар кўрманглар.

Ҳа, бу гаплар ҳақиқат. Уларнинг авлоди кўп қийинчиликларни бошидан ўтказди. Баъзиларига ўзим ҳам гувоҳман. Биз эсимизни энди таний бошлаган олтимшинчи йилларда ҳам халқнинг турмуши ўнганмаган эди. Отам даладан бери келмас, онам эса, рўзғор юмушларидан бўшамасди. Тунда дам олишга зўрға вақт топишарди. Онам 500-600 метр узокликдаги қудуқдан челақда сув таширди. Ҳозиргидек шароитлар қаёқда. Кечкурунлари мойчироқ ёруғида овқатланардик. Ота-онам олти фарзандни қийинчилик билан боқиб ўстирди. Ўзлари емай, бизга тутишди. Лекин ҳаётдан нолимадилар, тилларидан шукрона тушмади. Одамлар ўртасида меҳр-оқибат кучли эди. Мисол учун, онам яхшироқ овқат қилса, албатта, қўшниларга ҳам илинардик. Бошқалар ҳам шундай.

Отам Эргашбой Абдулла ўғли иймони бутун, намозхон инсон

бўлиб, бизга доимо яхши хулқли бўлишни уқтирарди. Бутун умрини фарзандлари тарбиясига бағишлади. Ҳаммамизни уйли-жойли қилди. Ҳатто ҳовлиларимизга мевали кўчатлар экиб, ўстириб берди. Ака-укалар бир кўчада ёнма-ён яшаймиз.

Эрталаб ўқишга, ишга жўнаш олтидан ота-онамизнинг дуоларини олишни одат қилгандик. Ҳар гал борганимизда қўлларидан Куръон ва тасбеҳ бўларди. Насиҳатлар бериб, дуо қилишарди. Шу боис ёмон одатлардан йироқ бўлдик, Аллоҳнинг фарзларини бажаришга одатландик. Ота-онамиз уқтирганидек, одамларга яхшилик қилиш пайида бўламиз.

Фарзанду набиралар отамиздан мерос касб деҳқончиликни маҳкам ушлаган. Пешона теримиз билан далада ҳосил етиштириб, ризқ топамиз. Аллоҳга шукр, ота-онам бахтли кунларимизни кўришди. Айниқса, раҳматли онам бундан беҳад суюнардик.

✍ **Амирбек АБДУЛЛАЕВ,**

Зомин тумани

Масала

5-бетда

“Васий ўзининг фойдаси учун етим ёки майитнинг моли билан тижорат қилиши жоиз эмас. Агар шундай қилиб, фойда кўрса, Абу Ҳанифа ва Имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳимо наздларида фойдани садақа қилади ва етимнинг тижоратга тикилган молини ўрнига қўяди” (“Фатавои Ҳиндийя”).

Демак, васий фақат етимларнинг молини кўпайтириш мақсадида уларнинг молини тижоратга тикиши мумкин, ўзининг фойси учун эмас.

САВОЛ: Бир киши пул тикиб, бошқаси уни тижоратда ишлатиши ҳоллари кўпайган. Харажатлар учун сармоя пулидан сарфланадими ёки иш юритувчи ўзининг ёнидан сарфлайдими?

ЖАВОБ: Тижорат билан боғлиқ ҳар қандай харажатлар сармоядан олинади. Яъни, дўконнинг ижара ва бошқа тўловлари, ишчилар ва уловлар ҳақи каби тижоратни ривожлантириш учун кетадиган сарф-харажатлар музораба молдан олинади. Лекин иш юритувчи шахсий харажатларини ўз ёнидан тўлайди.

“Музориб ўз шаҳарида иш юритса, унинг сарф-харажатлари сармоя молдан бўлмайди. Агар тижорат учун сафарга чиқса, еб-ичиши, кийими, улови каби харажатлар сармоя молдан бўлади. Уларнинг барчасига тижоратчилар одатда сарфлайдиган тарзда сарфлайди. Сармоя сарф этиладиган харажатларга тижоратнинг ривожланишига ҳисса қўшадиган кийимини ювиш, ҳаммом, хизматчи, сартарош, уловининг озукаси каби нарсалар ҳам қўшилади. Чунки сочи узун, кийими кир-чир, пёда юрадиган киши камбағал саналади, у билан ҳамкорлик қилувчилар кам бўлади. Демак, ҳамкорларни ўзига жалб қиладиган сарф-харажатлар ҳам нафақага киради” (“Иноя”).

САВОЛ: Дўконларда нархи ёзилган молни харид қилиш учун олиб, ҳали пулини тўламай туриб ичиши ёки ейишнинг зарари йўқми?

ЖАВОБ: Нархи ёзиб қўйилган ёки нархи харидорга маълум бўлган молни сотиб олиш мақсадида қўлига олиш “таотий” (олиш-бериш) савдоси дейилади. Яъни, нархи ёзиб қўйилган ёки нархи аввалдан маълум бўлган молни ҳеч нима демай, пулини тўлаб олиб кетиш ҳам савдонинг бир туридир. Унда “сотдим”, “сотиб олдим” дейиш шарт эмас.

Сиз айтган ҳолатда, яъни мол пули тўланмасидан олдин харидор мулки ҳисобланмайди. Шунинг учун олдин пулини тўлаб, кейин еб-ичиши керак.

✍ **Ўзбекистон мусулмонлари идораси**
Фатво маркази. Тел. 78-150-33-44



“Зоҳир” жоме масжиди Малайзиядаги Кедах федерал штатининг энг машхур меъморий ёдгорликларидан биридир. У дунёдаги энг чиройли масжидлар ўнталиги рўйхатига киририлган. Масжид минтақадаги қадимий шаҳарлардан бири Алор Стар шаҳрида барпо этилган.

Мазкур масжид қурилиши 1912 йилда бошланган. Расмий очилиш маросими 1915 йилнинг октябрида бўлган ва тантанали маросимда султон Абдулҳамид Ҳалим Шоҳ қатнашган. Масжид биноси 1821 йилда Сиам босқинчилари охириги марта Кедахни ишғол қилмоқчи бўлганларида уларга қарши курашиб, жангда ҳалок бўлган ҳарбийларнинг қабристони ўрнида қад ростлаган. Масжиднинг меъморий услуби — Индонезиянинг Шимолий Суматра штатидаги “Азизий” масжидининг кўчирма нусхасидир. Бироқ “Зоҳир” масжидининг ўлчами “Азизий” масжидиникидан анча катта. Меъморий

Беш минорали жоме



обиданинг тош деворлари жозибадор сарғиш рангда ва гумбазлари тўқ қора рангда бўлиб, замонавий масжидлар меъморчилигида бундай услуб жуда кам учрайди.

Масжид намозхонасининг ўзи уч юз эллик квадрат метрни ташкил қилади. Масжиднинг ҳар бир бурчагида миноралар бор,

уларнинг сони бешта. Масжидга Ислоннинг беш рукни тимсоли бўлган бешта гумбаз оро бериб туради. Масжидда бир вақтнинг ўзида беш минг киши намоз ўқий олади.

Маҳаллий аҳоли ва бошқа мамлакатлардан келадиган мусулмонлар учун “Зоҳир” масжиди

қадимдан нафақат муҳим диний ёдгорлик, балки ҳақиқий маданий марказ вазифасини ўтаб келмоқда. Масжидда ҳар йили Қуръон мусобақаси ўтказилади. Унда қатнашиш учун бутун дунёдан қорилар ташриф буюради.

Сайёҳлар кечқурун ноёб меъморий обидани томоша қилиб завқланишни хуш кўрадилар. Улкан бино жуда чиройли бадий ёритиш мосламалари билан безатилган. Дунёдаги энг гўзал масжидлардан бирининг ички қисми унчалик ҳашаматли эмас, унинг ички безаги оқ ва кўк рангларда ишланган. Махсус безаклар орасида девор ва шифтга маҳорат билан ишланган бадий бўёқлар, шунингдек, хонақоҳга тўшалган улкан нақшли гилам ажралиб туради.

Иброҳим МАМАТҚУЛОВ,
Тошкент шаҳридаги “Шайх Зайниддин” жоме масжиди имом ноиб
(Дамин Жумақул тайёрлади).

Ривоят



Умар ибн Хаттоб розияллоху анхунинг олдига уч йигит бир одамни етаклаб келиб:

— Бу киши отамизни ўлдирди, — дейишди.

Қотил айбини тан олди. Ҳукм ўқилгач, у уч кунга муҳлат сўради. Сабаби, уйига бойлик яширган бўлиб, буни ўзидан бошқа ҳеч ким билмас эди. Бойлик кўмилган

Мурувват аҳли

жойни ўғилларига кўрсатиш учун уйига бориб келишга уч кун вақт кетар эди. Ўрнига улуғ саҳобий — Абу Зар Ғифорийни гаровга қўйиб кетди.

Аммо учинчи кун ўтпти ҳам маҳкумдан дарак йўқ. Қоидага кўра у келмаса, ўрнига Абу Зар розияллоху анху қатл қилиниши керак. Кун адоғига етай деб қолганида у уст-боши чанг ҳолатда ҳалослаб етиб келди. Умар розияллоху анху сўради:

— Қочиб кетишингга имкон бўлатуриб нега қайтиб келдинг?

— “Ваъдага вафо қилувчилар қолмабди” деган гап бўлмасин деб

қайтиб келдим, — деди у.

Сўнг Абу Зарга юзланди:

— Сен нега ўзинг танимаган инсонга қафолат бердинг?

— “Мурувват аҳли қолмабди” деган гап тарқамасин дедим, — жавоб берди Абу Зар розияллоху анху.

Шунда даъвогарлар айтишди:

— Ундай бўлса, биз ҳам афв қилдик, токи одамлар орасида “Қасос олишга имкони бўлатуриб афв қилувчилар қолмабди” деган гумон бўлмасин.

“Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам ҳаётидан лавҳалар” китобидан.

Унутилган суннатлар

Ёмон туш кўрганда

Жобир розияллоху анху дан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам марҳамат қиладилар: **“Агар сизлардан бирингиз ёмон туш кўр (иб чўчиб уйғон) са, чап томонига уч марта (тупук чиқармаган ҳолда) туфлаб, уч марта Аллоҳдан шайтоннинг ёмонлигидан (“Аъзу биллаҳи минаш шайтонир рожийм” деб) паноҳ беришини сўрасин, сўнг бошқа томонига ўгирилиб ётсин”** (Имом Муслим ривояти).

ОХИРАТЛАРИ ОБОД БЎЛСИН

«Shamsuddinon Boboxonov» нашриёт-матбаа ижодий уйи жамоаси нашриётнинг собиқ ходими **Толибжон Қодиров**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига, барча яқинларига чуқур таъзия билдиради. Меҳрибон Раббимиз марҳумни мағфират қилсин, раҳматига буркасин, Ислон дини йўлида қилган хизматларига яраша ажрларини кўпайтириб берсин.

Иннә лилләҳи ва иннә илайҳи рўжиъун

ЎМИ Бухоро вилояти вакиллиги жамоаси кўп йиллардан буён диний соҳада фаолият юритиб келаётган, ҳозирда “Чор Бакр” жоме масжиди имом-хатиби Азизхўжа домла Хайруллоҳ ўғлининг волидаи муҳтарамалари вафоти муносабати билан у кишининг барча оила аъзоларига ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади. Аллоҳ таоло марҳума онахоннинг барча солиҳ амалларини ўзига ҳамроҳ айлаб, Ўз мағфиратига олсин, марҳуманинг яқинлари, фарзандларига чиройли сабр берсин.

Иннә лилләҳи ва иннә илайҳи рўжиъун

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамда «Shamsuddinon Boboxonov» нашриёт-матбаа ижодий уйи жамоаси Устоз Раҳматуллоҳ қори Обидовга рафиқалари ҳамда Юнусобод туманидаги «Юнусобод-Оқтепа» жоме масжиди имом-хатиби Нуруллоҳ домла Обидовга волидаи муҳтарамаларининг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради. Аллоҳ таоло марҳума онахонни раҳматига олсин, маконини жаннат қилсин. Барча хайрли ва савобли амалларини бошларига соя, охиратларига захира қилсин.

Иннә лилләҳи ва иннә илайҳи рўжиъун

Muassis:

O'zbekiston musulmonlari idorasi "Shamsuddinon Boboxonov" NMIU

Bosh direktor: **Sultonbek IMOMNAZAROV**

Шамсуддин

Bosh muharrir: **Abdul Jalil XO'JAM**

Tahrir hay'ati:

Shayx Nuriddin XOLIQNAZAR
Sodiq TOSHBAYEV
Homidjon ISHMATBEKOV
Shayx Abdulaziz MANSUR
Obidjon QODIROV
Muhammadolom MUHAMMADSIDDIQOV
Zayniddin ESHONQULOV
Muhammadsharif JUMAN
Xolmat ATABAYEV
Komiljon BURHONOV
Tolibjon NIZOMOV
Hikmatulloh TOSHTEMIROV
Muzaffar KAMOLOV
Salohiddin SHERXONOV
Azizbek XOLNAZAROV
Jamoatchilik kengashi: Alisher ESHIMOV
Islomiddin ZUHRIDDINOV
Rustam JAMILOV

Toshkent—100069, Zarqaynar 18-berkko'cha, 47-a uy.
(71) 227-34-30 (71) 240-05-19.
m-nashr@mail.ru
www.hidoyatuz

Nashr ko'rsatkichi: 195
ISSN 2091-5225
2020-yil 3-sentabrda 0017-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta oyda ikki marta chop etiladi. Bahosi kelishilgan narxda.

Navbatchi muharrir: To'liqin SHERNAYEV
Musahhiha: Zabo OMONOVA
Sahifalovchi: Komiljon MAHMUDOV
Ekspertizaga berildi: 23.10.2024
Xulosa (№03-07/6545) olindi: 30.10.2024
"SHAMSUDDINON BOBOXONOV" NMIU bosmaxonasida chop etildi.

Adadi: 12.450
24-3/21-buyurtma.
Bosmaxona manzili: Toshkent shahri, Zarqaynar 18-berkko'cha, 47-a uy.



Газетада оятлар, ҳадислар бор. Ножоиз жойларга қўйманг!

The newspaper contains ayahs and hadiths. Please, do not put it in inappropriate places!

لا تضعوها في مكان غير مناسب!

Газета содержит аяты и хадисы. Не оставляйте в неподходящих местах!